


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ



# ДИНШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ



X



## МУНДАРИЖА

|               |   |
|---------------|---|
| Сўзбоши ..... | 3 |
|---------------|---|

### I ШЎЪБА. ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИ ЎҚИТИШ: ТЕХНОЛОГИЯЛАР, ЮТУҚЛАР, МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

|                                                                                                                                                          |    |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| О.Юсупов. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари.....                                                                                                  | 6  |
| К.Камилов. Ўзбекистонда диний соҳа: янги босқич, янгича ёндашув ва ислохотлар.....                                                                       | 8  |
| У. Алимов. Ислом маърифатини ёйишда илмий мактабларнинг ўрни .....                                                                                       | 12 |
| З.Исломов. Ўзбекистон мустақиллиги ва ислом манбашунослиги фанининг ривожини .....                                                                       | 14 |
| Протоиерей Сергей Стаценко. К вопросу о признаках тоталитарного сектантства .....                                                                        | 16 |
| Д.Раҳимжонов. Тошкент ислом университетида диний бағрикенглик соҳасида эришилган ютуқлар .....                                                           | 19 |
| Ш.Акмалов. Роль институтов религиозного образования в Узбекистане в гармонизации светской и религиозной сфер жизни .....                                 | 21 |
| Х. Дониёров. “Дунёвийлик” ва “динийлик” тушунчалари ҳамда уларнинг ижтимоий-фалсафий мазмуни .....                                                       | 23 |
| Х.Аҳмадалиев. Дин функцияларини ўрганиш – диншуносликнинг долзарб муаммоси.....                                                                          | 26 |
| А.Тажиев. Фарбда ҳадисшунослик фани шаклланишининг ўзига хос жиҳатлари .....                                                                             | 28 |
| З.Арипова. Миср мамлуклари давридаги (1250-1517) ҳарбий мактаб атамалари .....                                                                           | 30 |
| J.Kuldashev, E.Bakiev. “Halol” standarti va uning ahamiyati .....                                                                                        | 32 |
| С.Жўраева. “Зиёрат туризми”ни ривожлантиришда Сурхондарё вилоятидаги ислом дини обидаларининг ўрни .....                                                 | 34 |
| М.Абдуллаева. “Кибермаконда дин” тарихи.....                                                                                                             | 35 |
| А.Дадамухамедов. Ёшлар ҳаёти учун бой берилган виртуал таҳдид .....                                                                                      | 37 |
| Г.Турсунова. Германия таълим тизимида диншунослик фанларининг ўқитилиши.....                                                                             | 39 |
| А.Абдурахмонов. Ислом цивилизацияси тармоқлари.....                                                                                                      | 40 |
| Н.Мадаминова. Диншуносликни ўқитиш тизимини такомиллаштиришнинг талаба-ёшлар дунёқарашига таъсири муаммолари .....                                       | 42 |
| Ф. Далиев. “Диний вазият” тушунчаси ва унинг моҳияти .....                                                                                               | 44 |
| Д.Камилов. Ашъарийлик таълимотида рационализм ва ортодоксал ёндашувларнинг аҳамияти .....                                                                | 46 |
| М.Жураева. Особенности отражения естественно-географических факторов в развитии религиозного мировоззрения.....                                          | 49 |
| С.Саидова. Маҳаллаларда диний ва миллий маърифатнинг тутган ўрни.....                                                                                    | 51 |
| Д.Расулов. Илмлар таснифида исломий илмлар баёни .....                                                                                                   | 53 |
| О.Эрназаров. Диншунослик ва диний таълим ўртасидаги уйғунлик ҳамда фарқли жиҳатлар .....                                                                 | 55 |
| N.Batirova, A.Muxtoraliyev. Contract relations in islamic economy .....                                                                                  | 57 |
| Л.А.Алиджанова, С.Холматова. Бўлажак диншуносларнинг касбий компетентлигини шакллантиришда уларнинг педагогик-психологик жиҳатларини эътиборга олиш..... | 60 |
| A.Ismoilov. Angliya rasmiy diniy ta’limida musulmon maktablarining o’rni .....                                                                           | 62 |

### II ШЎЪБА. ДУНЁ ДИНЛАРИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЁНДАШУВЛАР: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ВА УСЛУБИЙ МУАММОЛАР

|                                                                                                      |    |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------|----|
| Н.Насруллаев. Қўлёзма билан ишлаш кўникмасини шакллантириш усуллари.....                             | 66 |
| М.Алимова. Ўзбекистонда “диншунослик” фанини ўқитишдаги янгича ёндашувлар .....                      | 67 |
| Ҳ.Аминов. “Сунан ат-Термизий”нинг урдуча шарҳлари .....                                              | 69 |
| Х.Сағдиев. Фарбда дин ва эътиқодга оид масалаларни илмий ўрганишга бўлган ҳаракатлар тарихидан ..... | 71 |

## ҚЎЛЁЗМА БИЛАН ИШЛАШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ

Бугунги воқелик ҳаётини тараққиётнинг ўтмиш мероси ва келажагини ҳар томонлама идрок этган ҳолда ўрганишни тақозо этмоқда. Бу бизга ажодлар илмий-маънавий меросини атрофлича тадқиқ этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш вазифасини қўяди. Бунда хусусан, ёзма манбаларни ўрганиш, тадқиқ этиш, илғор ғояларини кенг халқ оммасига етказишда араб тили ва унинг алифбосига асосланган туркий, форсий тилларни пухта ўзлаштириш лозим. Ўтмиш меросни қанчалик пухта билсак, бугунги кун қадри ва мазмунини шу қадар теранроқ англаб етамиз. Зеро, ўтмишни унутиш келажакдан умидсизланишга олиб келади.

Ажодлардан бизларгача етиб келган қўлёзма ва тошбосма (литографик) китобларни ҳар томонлама ўрганиш, шунингдек, минтақамиз билан боғлиқ манбаларни излаб топиш, уларни қўлга киритиш, давлат хазинасига жойлаштириш, тартибга солиш ва таъмирлаш, тасниф этиш, улар устида илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифалари қаторида туради.

Бевосита қўлёзма матнларни ўқиш ва ёзиш кўникмасини шакллантириш учун аввало, мутахассис устоз қошида имло бўйича савод чиқариши, доимий машқлар бажариши, қироатни чиқариши, тил қоидалари ва мутолаани ўзлаштириши керак. Шунингдек, босма, тошбосма нусхалари, қўлёзма асарларга хос ёзув қоидаларини мустаҳкам эгаллаши лозим. Чунки улар ёзуви жиҳатидан бир-биридан ажралиб туради. Қозон босмалар кўпроқ типографик усулда, маҳаллий нашр этилган китоблар эса, тошбосма усулида чоп этилганлиги билан ажралиб туради. Шу эътибордан араб ёзуви асосидаги туркий имлони чинакам маънода ўзлаштириш ғоят мураккаб жараён, у талабадан тинимсиз меҳнат талаб этади. Қўлёзмаларни ўқиш ва ёзиш учун эса кишида етарлича малака, савия ва бой тажриба бўлиши керак. Бу мураккаб жараён қуйидагича:

**Ўқиш ва ёзишда оддийликдан мураккабликка қараб интилиш.** Бу тамойилга кўра, ўрганувчида ўқиш ва ёзиш анъанасига бўлган кўникма аста-секинлик билан ошириб борилиши назарда тутилади. Шу тариқа талаба устозлари ёрдамида ўтмиш даврлардан мерос бўлиб қолган, уста хаттот ва котиблар томонидан кўчирилган содда қўлёзмаларни ўқиш ва ёзишни ўрганадилар. Бунда асосан ҳуснихат усулида ёзилган хаттотлик машқлари, Қуръони карим оятлари, ҳадислар, назмий иборалар, ҳикматли сўзлар ва шу каби матнларнинг енгил намуналаридан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун, ҳар бир қўлёзмани тўғри ва раво ўқиш хаттотнинг ёзув услубига хос хусусиятларни ҳам ўрганиб чиқишини тақозо этади. Чунки хаттотлар кўчириш жараёнида араб хатининг бошқа турларига хос ёзувларни ҳам ишга солиши амалиётда кўплаб учрайди. Натижада шогирд кенг тарқалиб, нисбатан осон ҳисобланган хатти настаълик, хатти шикаста ва бироз мураккаб сулс, насх, риқоъ каби хат турларига хос ёзув белгиларини муайян даражада ўзига сингдириб борган.

**Ўқиш ва ёзишда доимий машқлар бажариш.** Унга кўра талабаларга осон ва қулай бўлиши учун йирик хатдаги босма китоблардан, дарс-сабоқ бериш усулларида фойдаланилади. Ҳар бир янги ўзлаштирилган мавзу сўнггида ўтилган дарсни мустаҳкамлаш мақсадида доимий ўқиш ва ёзиш учун машқлар бажарилиб борилади. Машқларда табиийки, содда матнларни кўчириш, кўчиришда ўзининг ёзма санъат маҳоратларини намойиш эта олиш, бадий ижодга эркин кириб бориш зарур. Маълумки, араб ёзувининг босма шакли насх хатига ўхшаш бир чизикда изчил босилади. Ёзма шаклда эса, маълум бир принциплар кўзга ташланмайди. Балки унда баъзи ҳарфлар, сўзлар сатр чизигидан тушириб ёзилса, айримлари сатр чизигида ёзилади. Айрим қўлёзмаларда эса, ҳарф нуқталари турлича қўйиб кетилади. Ўша нуқтанинг қайси ҳарфга тегишли эканлигини фақат мазмуни орқалигина билиш мумкин бўлади. Баъзан эса, икки ҳарф учун бир нуқта қўйилади. Бундай ҳолда ўша нуқтани икки ҳарфга ҳам қўйиб ўқиш лозим. Хуллас, араб имлосидаги қўлёзма матнларни ўқишда зукколик ва топқирлик жуда зарур.

**Ҳар бир ҳарфга ўзгача сайқал бера олиш кўникмаси.** Машҳур хаттотлар хатларининг чиройли ва жозибador бўлиши учун ҳарфларга ўзларича ижодий ёндашиб нафис сайқал беришга интилганлар. Бу билан ёзувнинг хусусан, ундаги ҳарфларнинг турлича ёзилишига оид хат турлари келиб чиққан. Бу ҳолат ўрганувчининг турли хатларни тўғри ўқий олиши билан бирга ёзиш кўникма ва малакасини ривожлантирган. Араб алифбосидаги ҳарфларнинг ёзилишига асосланиб, улар фақат ана шундай шаклда ифодаланади, деб ўйлаш унчалик тўғри эмас. Чунки асрлар давомида араб ҳарфлари сайқалланиб,

турли хил усул ва шаклларда ёзилиб келинган. Асрлар давомида кўчирилиб келган кўлёзма манбаларни кузатсак, улардаги ёзув бир-биридан кескин фарқланишининг гувоҳи бўламиз. Ҳатто муайян бир кўлёзмада ҳам айрим сўзлар турлича шаклларда ёзилади. Бу эса, араб ҳарфларини ёзишда маълум бир қоидага риоя қилинмаслигини, ёзувда ҳарфлар ҳар бир хаттотнинг ўз диди ва савиясига мувофиқ тарзда ўзгариб бориши мумкинлигини англатади.

**Тежамкорликни бирламчи деб билиш.** Ёзиш ва ўқиш санъатини ўзлаштиришда иқтисод қилиш, яъни тежамкорликни асло назардан қочирмаслик лозим. Чунончи, кўлда кўчиришдан тошбосма усулига ўтишнинг асосий мақсади китобат санъатидаги янги, қулай чоп этиш усуллари ҳамда тежамкорликка йўналтирилган эди. Тежамкорлик ишлари маълум тартиб-қоидалар асосида олиб борилиши шарт. Лекин у барча жараёнлар учун бир хил кечмай, аксинча шароит тақозосидан келиб чиқади. Унда кўлёзма ва тошбосмаларнинг ички ва ташқи омиллари, шунингдек, мазмунига қараб тежамкорлик ишлари амалга оширилади.

**Нотаниш сўзларнинг луғатини доим ўзлаштириб бориш.** Ўтмишдан қолган илмий-маънавий меросни ўрганишда луғат бойлигининг хизмати беқиёс. Чунки араб ёзувига асосланган турли тилларда сўзлашувчи халқларнинг луғатлари ҳам турлича бўлиб, бир-биридан сезиларли фарқ қилади. Масалан, аввалда истеъмолда бўлиб, кейинчалик тилнинг ўсиб, ривожланиши сабаб уларни ўз вақтида ўзлаштириш талаб этилади. Булар орасида, араб, форс-тожик, уйғур, татар, қадим туркий ва ҳоказо тиллардаги сўзлар салмоқли қисми ташкил этади. Бу тиллар ижтимоий-иқтисодий, дипломатик алоқаларнинг кучайиб бориши, турли шарт-шароитлар, қолаверса, маънавий зарурат тақозосига кўра, маълум бир халқ тилига сингиб ёки аксинча бошқаларига тарқалиши орқали содир бўлади.

Шарқ кўлёзма матнларини ўзбек тилига изоҳ, шарҳ ва луғатлари билан таржима қилиш, нашр этиб оммалаштириш ишлари маънавий меросни ўрганишда муҳим ўрин тутди. Бунда шарқ кўлёзма матнларини ўрганиш учун истифода этиладиган луғатларни тузиш бирламчи вазифалар қаторида туради. Шу мақсаддан келиб чиқиб ўша ёзма манбанинг хоҳ у кўлёзма бўлсин ёки тошбосма китоб, дастлаб ундаги матн тили учун луғат яратиш лозим бўлади.

Демак, кўлёзма ўқишни ўрганишда оддий матнлардан бошлаб, то мураккабларигача ўзлаштириб борилади. Бунда албатта доимий машқлар бажариб бориш зарур бўлади. Машқлар қанча кўп бўлса, ўзлаштирувчида шунчалик маҳорат ошиб бориб, ҳатто ҳарфларга ўзгача сайқал бера олиш кўникмалари ҳам шаклланади. Албатта, ҳар бир ишда тежамкорликка риоя қилиш вақтдан унумли фойдаланишга олиб келганидек ўқиб ўрганиш ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, ўзга тилни ўрганиш, ўша тилнинг луғат захирасини ёдлаш билан амалга оширилади. Албатта, биз ушбу мухтасар мақолада Шарқ манбаларини ўқиш ва ёзиш техникаси билан боғлиқ айрим қирраларни ёдга олдик холос. Лекин бу ишда ҳар бир устознинг ўз услуби, мактаби, қолаверса, йиллар давомида тўплаган тажрибаси мавжуд эканлигини ҳам унутмаслик зарур.

\* \* \*

М.Алимова,  
ТИУ “Диншунослик ва жаҳон динларини  
қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси  
доценти в.б., т.ф.н.

## **ЎЗБЕКИСТОНДА “ДИНШУНОСЛИК” ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 6 мартдаги №01-07/1-193 сон билан тасдиқланган “Халқимизнинг кўп асрлик қадриятлари, анъана ва урф-одатларига асосланган ҳолда, ёшларнинг ғоявий иммунитетини шакллантириш ҳамда таълимнинг барча босқичларида диншуносликка оид фанларни ўқитишни янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режаси”га кўра диншунослик соҳасининг таянч олий таълим муассасаси бўлган Тошкент ислом университетида диншунослик фани ўқув дастурлари тубдан қайта кўриб чиқилди. Бунда умумий ўрта таълим тизимида “Дунё динлари тарихи” фани, ўрта махсус касб-хунар таълим тизимида “Диншунослик асослари” ва олий таълим тизимида “Диншунослик” фанлари ўқув дастурлари узвийлик ва изчиллик тамойили асосида такомиллаштирилиб, ишлаб чиқилди.